

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**629** Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақ-  
ларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тар-  
тиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар  
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-  
зий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етқа-  
зиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мус-  
таҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаш-  
тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон «Ўзбекистон Рес-  
публикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини  
ташқил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республика-  
си Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-  
си **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазир-  
лиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82 ва  
2011-41-сон қарори (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон  
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) би-  
лан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақла-  
ридан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқно-  
мага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 27 июнь,  
321-В-6-сон

**Молия вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 27 июнь,  
91-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 27 июнь,  
2017-32-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқаруви,  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2017 йил 27 июндаги  
321-В-6, 91, 2017-32-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан  
пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «суд ижрочилари» деган сўзлар «давлат ижрочилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «суд ижрочилари» ва «Суд ижрочилари» деган сўзлар тегишинча «давлат ижрочилари» ва «Давлат ижрочилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «суд ижрочиларининг» деган сўзлар «давлат ижрочиларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «суд ижрочиларига» деган сўзлар «давлат ижрочиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 11-банднинг олтинчи хатбошисидаги «суд департаменти органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий тузилмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 1-илова қуйидаги тахрирдаги 18 ва 19-бандлар билан тўлдирилсин:

«18. 22634 — Табиий газдан тушадиган пул маблағларини жамлайдиган ягона махсус ҳисобварақ.

19. 22636 — Электр энергиясидан тушадиган пул маблағларини жамлайдиган ягона махсус ҳисобварақ.».